

Ishonch

2018 йил 15 феврал • пайшанба • № 20 (3993)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«Avtotest»нинг монопол ҳуқуқи бекор қилинади

Лойиҳада юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига ўрнатилган малака оширишга оид талабни қисман бекор қилиш масаласи кўрилмоқда.

3-бет



Ўзбекистонда биринчи марта

Академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия марказида мамлакат тиббиёти тарихида биринчи марта беморга тирик донор қариндошдан жигар бўлагини кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилди.

3-бет



Улуғ пирга ихлос

Бобур Хожа Ахрори бир умр ўзига пир санаб, муридлик муҳаббати ва садокатини сақлаб келган. Хусусан, мушкул вазиятларга тушиб қолган дамларда у буюк пирнинг муборак руҳидан мадад сўраган ва ўз навбатида, бу валий инсон ҳам ўз дуоюғини ҳамisha қўллаган.

4-бет



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Охириги бир ярим йил давомида фармацевтика тармоғини ривожлантириш, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг арзонлиги ва эркин муомаласини таъминлашга қаратилган ўндан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фармацевтика тармоғининг давлат бошқаруви тизими қайта кўриб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

«Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналари ташкил этилиб, уларнинг ҳудудида 41,7 миллион АҚШ доллари миқдоридagi бешта лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мамлакатда ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилоятида давлат-хусусий шериклик шартларида 75 та ижтимоий дорихоналарни куриш ва жойлаштириш бўйича ишлар бошланган.

Шу билан бирга, ўрганишлар қа-

бул қилинган қонун ҳужжатларини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ижро этиш бўйича етарли чоралар кўрилмаётганлигини, масъул органлар раҳбарларида юклатилган вазифаларни бажаришда ташаббускорлик йўқлигини кўрсатди. Хусусан:

биринчидан, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини шакллантириш таъминланмаган, улар фаолиятини молиялаштиришнинг аниқ манбалари ва механизмлари белгиланмаган, ишлаб чиқариш объектиларини жойлаштириш учун ер участкаларини ажратиш масалалари ҳал этилмаган;

иккинчидан, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан эркин иқтисодий зоналарнинг ишини самарали ташкил қилиш ва инвестицияларни жалб этиш бўйича етарли чоралар кўрилмаётган;

учинчидан, эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланган транспорт, йўл ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мавжуд эмаслиги уларнинг ҳудудида юқори сифатли фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш қув-

ватларини йўлга қўйиш имконини бермаётганлиги, зоналарнинг бош режаларини ишлаб чиқиш жойлардаги ҳақиқий ҳолатини ва инвесторларга юзага келатган муаммоларни эътиборга олмаган ҳолда амалга оширилмоқда;

тўртинчидан, давлат-хусусий шериклик шартларида ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш ва фаолият юритишнинг ҳуқуқий тартиби белгиланмаган, уларнинг жойлашуви тасдиқланмаган, бу эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига шундай дорихоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилмаслигига олиб келган;

бешинчидан, дорихоналарда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш, шунингдек, дорихоналарнинг жойлашуви, дори воситаларининг асортименти ва нархи ҳақида аҳолини ҳабардор қилиш бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш жараёни паст суръатларда бормоқда;

2>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 феврал куни мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлиliga бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ – ЭРТАНГИ КУНИМИЗГА ЗАМИН

Давлатимиз раҳбари Ёш авлод тарбиясининг биринчи ва муҳим бўлини бўлган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2017 йил 16 август ва 19 октябрь кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда бу масала атрофида муҳокама қилинган эди. 2017 йил 30 сентябрда Президентимиз томонидан «Мактабгача таълим тизими бошқаруви тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари чоғида ўтказилган мажлисларда ҳам бу борада қўлаб қўйилган вазифалар белгиланган берилди.

Йиғилишда жойлардаги мактабгача таълим муассасаларининг аҳоли, соҳадаги ишларни жадаллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу тизимни чуқур таҳлил қилиб, шу пайтгача назардан четда бўлган энг кичик жиҳатларига эътибор қаратди.

Дастлаб бу масалада Андижон, Наманган, Самарканд, Фарғона ва Жиззах вилоятларида ўтказилган ўрганишлар натижаларига эътибор қаратилди. Масалан, Андижон вилоятидаги 87 та маҳаллада биронта ҳам болалар боғчаси йўқлиги, 84 та боғча филиалини мустақил муассасага айлантириш ёки давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчаларини ташкил этиш бўйича туман ҳокимликлари томонидан аниқ чоралар белгиланмагани танқид қилинди.

Вилоятда мавжуд 451 та мактабгача таълим муассасасидан 200 тасида озик-овқат маҳсулотларини сақлаш учун махсус омбор йўқ, совутиқ, шкаф ва стол-стуллар етишмайди. Шунингдек, ханузгача 123 та боғчага ичимлик суви ташиб келтирилади, 71 тасининг атрофи ўралмаган, 134 тасида мусика қоналари жиҳозланмаган, 420 тасида кичик кутубхоналар ташкил этилмаган.

3>

КУН НАФАСИ

ЎзА сайти давлатимиз раҳбарининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашининг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарорини эълон қилди.

Мазкур ҳужжат жамоат тартибини сақлаш, авваламбор, воқия етмаган ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг бузғунчи таҳдидларни барвақт аниқлаш бўйича яқин ҳаракатларни, уларни ҳамкорликда ва сифатли бартараф этилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қабул қилинган бўлиб, унда Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини келгусида ташкил этишнинг устувор йўналишлари белгиланган.

Қарорда тизим фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича бир қатор янгилар назарда тутилиб, мутасадди идоралар зиммасига тегишли вазифалар юклатилган.

13 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Солиқ қонуничилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкил чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишни имзолади. Унга кўра, 2018 йил 1 июл кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Адлия вазирлиги томонидан Паспорт тизими ва прописка масалалари бўйича муҳим қарорлар лойиҳалари тайёрланди. Ушбу лойиҳаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қатор ўзгартiriшлар киритилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси раиси Муиджон Тоҳирий вазифасидан озод қилинди. Бош прокурор ўринбосари, генерал-майор Муротжон Азимов Божхона қўмитасига янги раис этиб тайинланди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири лавозимидан кетган Зойир Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимига фаолиятини давом эттирди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги иккита ажратилди: Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Сув ҳўжалиги вазирлиги. Наманган вилоятининг собиқ ҳокими Баходир Юсупов Қишлоқ ҳўжалиги вазири этиб тайинланди. Сув ҳўжалиги вазирлигига эса собиқ Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигига вазирнинг сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосари бўлган Шавкат Хамроев раҳбар бўлди.

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазири Рустам Жўраев Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиги этиб тайинланди. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиги лавозимини тарк этган Баходир Қурбонов эса Тошкент харбий округи қўшинлари қўмондони лавозимини эгаллади. Президент Фармони билан Баходир Қурбоновга генерал-майор харбий унвони берилди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси энди Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига айлантирилди. Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси лавозимига ишлаб келган Рустам Қурбонов ўрнига Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти собиқ ректори, мамлакат футбол ассоциацияси вице-президенти Шоақрам Исроилов Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазири этиб тайинланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори Зоҳид Дусанов вазифасидан озод этилди. Шу вақтгача «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси» Давлат маркази» ДУК директори сифатида фаолият юритиб келатган Азиз Абдуллаев агентлик раҳбари сифатида иш бошлади. Шунингдек, агентлик раҳбарининг биринчи ўринбосари лавозимига Нозим Бердиев, ўринбосар этиб Алишер Темиров тайинланди.


uz.uz, kun.uz, xabar.uz va ishonch.uz сайтлари материаллари асосида тайёрланди

Улуғ шоирга эҳтиром

Андижонда ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили, йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда юртимизда ва хорижда фаолият юритаётган бобуршунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

2>



МЎЙНОҚ КЎРКАМ ВА ОБОД ГЎШАГА АЙЛАНДИ

Аҳолининг ижтимоий ҳаётини юксалтириш ва қўлай тадбиркорлик муҳитини яратиш йўлида амалга оширилган ишлар ўз самарасини бераётди. Айниқса, кўп йиллардан буюн орзу қилиб келинган тоза ичимлик сувининг туманга келтирилиши мўйноқликлар ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

3>

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Интернетдаги ахборот сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқлардаги кенг жамоатчилик эътиборида бўлган мамлакатимиз ва дунёда юз бераётган долзарб, қизиқарли, муҳим ва тезкор хабар ҳамда тафсилотлар билан эндиликда «Ishonch» газетаси саҳифаларида ҳам мўнтазам танишиб боришингиз мўмкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

41 олтинчидан, фармацевтика тармоғи муассасаларининг илмий-тадқиқот фаолияти замонавий талабларга жавоб бермайди, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалаларига етарли эътибор қаратилмапти;

еттинчидан, мавжуд илмий ишланмаларни амалиётда синовдан ўтказишнинг самарали тизими мавжуд эмас, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқиш соҳасида янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича етарли чоралар кўрилмапти.

Мазкур ҳолатлар фармацевтика тармоғини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қўрилаган чораларнинг сулғаштиришга олиб келмоқда, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва инвестицияларни жалб этиш учун кулай шарт-шароитларни яратиш бўйича вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадлида:

1. Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш соҳасидаги ишларни ташкил этиш борасидаги фаолияти **конкретиз деб топилсин.**

Ишда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги ва лозим даражадаги ташаббускорлик йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори З.А.Дусанов ва мазкур агентлик директорининг биринчи ўринбосари М.М.Дусмуратов эғаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш учун кулай шарт-шароитларни таъминлаш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари «Йўл харитаси»нинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланган.

3. «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналаридаги ҳақиқий вазиятни ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ишчи гуруҳлар 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳлар томонидан икки ой муддатда: эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш учун ажратилган ер участкаларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги, транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш имкониятлари мавжудлиги нуктаи назаридан ўрганилишини;

эркин иқтисодий зоналар бош режаларининг жойлардаги ҳақиқий вазиятни ва уларни амалда ижро этиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда

қайта кўриб чиқилишини;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун потенциал инвесторларни жалб этиш чораларини кўришни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Қ.В.Акмалов) икки ой муддатда ишчи гуруҳлар фаолиятининг ахурида бўйича қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Доривор ўсимликларнинг плантацияларини ташкил этиш бўйича тадбирлар дастури;

Тайёр дори воситалари ва тиббий буюмлар, ёрдамчи ва ўраш-жойлаш материалларини ишлаб чиқариш бўйича эркин иқтисодий зоналар ҳудудига амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари рўйҳати.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси автомобил йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбектелеком» АК бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда эркин иқтисодий зоналарнинг бош режалари тасдиқлангандан кейин бир ой муддатда эркин иқтисодий зоналарнинг транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминласин.

6. Ҳар бир эркин иқтисодий зонага Қорақалпоғистон Республикаси ва тегишли вилоятлар прокурорлари бириктирилиб, уларнинг мазкур соҳадаги асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгилансин:

эркин иқтисодий зоналар бош режаларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши устидан назоратни амалга ошириш;

лойиҳалар ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш;

янги ташкил этилаётган қувватларни транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш ҳамда уларнинг сув, газ ва электр таъминотига улаштириш устидан назоратни амалга ошириш;

лойиҳалар ташаббускорларига рухсат берувчи ва бошқа ҳужжатларни олишда, шунингдек, инвестиция-лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган масалаларни ҳал этишда ҳар томонлама қўмақлашиш;

лойиҳалар ташаббускорларига лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишда тўқинлик қилаётган, ортиқча бюрократик тўсиқларни яратётган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан катъий чоралар кўриш.

Белгилансинки, вилоят миқёсидаги масъул давлат органлари ва ташкилотлар ҳар ойда Қорақалпоғистон Республикаси ва тегишли вилоятлар прокурорларига эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган ишларнинг бориши ҳақида ҳисобот тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

икки кун муддатда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларида ижтимоий дорихоналарни жойлаштириш имкониятларини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш учун ишчи гуруҳларни ташкил этсин;

ўтказилган ўрганишни инобатга олган ҳолда, 2018 йил 1 апрелга қадар муддатда ижтимоий

дорихоналарнинг жойлашувини тасдиқласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ижтимоий дорихоналар тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 июнга қадар муддатда 2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепциясини тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

а) 2018 йил 1 декабрга қадар муддатда қуйидаги имкониятларни тақдим этадиган Интернет тармоғида ахборот порталини, шунингдек, мобил иловаларни яратсин;

асосий ахборот индикатори сифатида лицензия мавжудлигини ақс эттирган ҳолда дорихоналарнинг жойлашувини аниқлаш;

дори воситалари ва тиббий буюмларни, зарур ҳолларда сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларни тегишли дорихоналар томонидан аҳолига етказиб беришни таъминлаган ҳолда реал вақт режимда сотиб олиш;

б) 2018 йил 1 майга қадар муддатда Ўзбекистон Республикасида дори воситалари ва тиббий буюмларни ҳисобга олиш ва ҳисобот жараёнини автоматлаштириш, шунингдек, улар ҳақидаги зарур ахборотни тақдим қилган ҳолда дори воситалари ва тиббий буюмларни идентификация қилиш имконини берувчи махсус маркаровка тизимини жорий этиш мумкинлиги масаласини ўрганиш;

в) 2018 йил 1 апрелга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат тиббиёт муассасалари ва ижтимоий дорихоналарда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ҳисобини олиб боришнинг, шу жумладан бюджет маблағлари мақсадсиз сарфлаишини тезкор аниқлаш ва суинтезмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи автоматлаштирилган тизимни яратиш бўйича тақдирлар киритсин.

9. Аҳолини дори воситалари билан таъминлашдаги муаммоларни ўрганиш ва бар-тароф этиш бўйича жамоатчилик комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) таркиби ва ҳудудларда ҳар ҳафталик учрашувларни ташкил этиш графиги 3 ва 4-иловаларга мувофиқ маълумлансин.

Комиссия (К.М.Рафиков):

ҳар 10 кунда ҳудудларга бориш ва жойларда учрашувлар ўтказиш орқали дори воситалари билан таъминлашда аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил қилсин;

фармацевтика тармоғида қўрилаган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва манзилли бўлиши, уларнинг мазкур соҳадаги ишлар ҳолатини яхшилашга реал таъсир кўрсатиши масалалари бўйича фуқароларнинг фикр, мулоҳаза ва тавсияларини ўрганиш орқали аҳоли билан ақс алоқани таъминласин;

фуқароларни, айниқса, ижтимоий эҳтиёманд ва бориш қийин бўлган ҳудудларда яшайдиган фуқароларни ижтимоий аҳамиятга эга ва

арзон дори воситалари билан таъминлаш бўйича ишларнинг ҳақиқий ҳолатини пухта ўргансин;

аҳолини дори воситалари билан таъминлаш ва унинг аҳоли яшаш жойларида етарлилиги, шунингдек, ижтимоий дорихоналарнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича мавжуд инфратузилмани танқидий ўрганиш;

дори воситалари нархининг ошишига ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқласин, аниқланган муаммоларни бар-тароф этиш, аҳолини дори воситалари билан ўз вақтида таъминлаш бўйича прокуратура органлари билан биргаликда тезкор чоралар кўрсин;

мазкур қарор ижро этилиши жараёнини мунтазам ўрганиш, ушбу масала бўйича масъул давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитсин, юқлатилган вазифалар ижросининг бузилиши ҳолатлари ва сабабларини аниқласин ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида прокуратура органларини ўз вақтида хабардор этсин;

кредитлар бериш, ер участкалари ажратиш, тегишли лицензия ва рухсатномалар олиш, инфратузилмага улаштириш мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари ва потенциал чет эл инвесторлари билан учрашувлар ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзавтосаноат» АЖ билан биргаликда олис жойларда яшовчи аҳолига, энг аввало, ижтимоий аҳамиятга эга ва энг зарур дори воситаларини сотишни таъминлайдиган «Дамас» автомобилларидан қўйма дорихоналарни ташкил этиш чораларини кўрсин;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан телевидениеда амалга оширилаётган ишларнинг бориши ва натижалари мунтазам ёритилишини ташкил этсин;

ўтказилган ҳар бир жойига чиқиб ўрганиш ва учрашувлар якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини деовонига ахборот киритсин.

10. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Комиссия фаолияти доирасида унинг раиси талабномаси бўйича ҳар йили маҳаллий катновдаги поездаларнинг барча турларига темир йўл чипталари захира қилиб қўйилишини ва бепул расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Республикада яратиладиган ва ишлаб чиқариладиган устувор дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини аниқлаш бўйича ишчи комиссия 5-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи комиссия уч ой муддатда:

фармацевтика бозорини ўрганишни ҳамда ташхис қўйиш ва даволаш стандартларини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлаш учун устувор бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини аниқлашини;

ўрта муддатли истиқболда жорий этиш учун истиқболли дори воситалари ва тиббий буюмларнинг маҳаллий ишланмаларини аниқлашини; эҳтиёж учун зарурлиги, ижтимоий аҳамияти, ишлаб чиқаришга жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги ва мумкинлигидан келиб чиқиб, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тоифаларини аниқлашни таъминласин.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги Бош прокуратура ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбек кимё-фар-

мацевтика илмий-тадқиқот институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти, «Шарк табobati» илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини танқидий ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича, шу жумладан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ўқув-илмий лабораторияси ва тажриба-ишлаб чиқариш мажмуасини ташкил этишни назарда тутган ҳолда тақдирлар киритсин.

13. Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 апрелга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш учун хом ашёни импорт қилишда қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёз қўллаш механизминини соддалаштириш юзасидан тақдирлар киритсин, бунда тасдиқланган рўйхат асосида имтиёз қўллаш тартиби истисно қилиниб, дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш учун олиб қилинадиган, республикада ишлаб чиқариладиган хом ашё ва субстанцияларга қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар қўлланилмаслиги назарда тутилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига дори воситалари ва тиббий буюмлар тайёрлаш учун республикада ишлаб чиқариладиган хом ашё ва субстанциялар рўйхатини тақдим этсин.

14. Бош прокуратура (О.Б.Муродов), Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари хизмати (Р.С.Касимов), Сийёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати (Б.М.Мавлонов), Ҳисоб палатаси (М.М.Икрамов) ва Вазирлар Маҳкамаси (Қ.В.Акмалов):

ҳар чоракда графикаларни тасдиқласин ва улар асосида ишчи гуруҳлар, масъул вазирликлар ва идоралар вақтликлар, фармацевтика корхоналари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, инвесторлар иштирокида «Йўл харитаси» ва мазкур қарорда белгиланган бошқа вазифаларнинг бажарилиши жараёни ҳар ҳафта муҳокама қилинишини ташкил этсин;

муҳокама якулиари бўйича юқлатилган вазифалар ижросининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан катъий жавобгарлик чораларини қўласин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдирлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Р.С.Касимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси К.М.Рафиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 феврал

Улуғ шоирга эҳтиром

41 Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг бой маданий мероси, хусусан, буюк аждодларимиз Алишер Навоий ва Захриддин Мухаммад Бобурнинг бебаҳо илмий-бадний асарлари жохон илм-фани, адабиётни ривожда муҳим аҳамият касб этгани таъкидланди. Бобур ва бобурийлар ҳаёти, ижодий меросини ўрганиш, тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда Бобур ҳаёти билан боғлиқ сахна кўринишлари намойиш этилди, ёш ижодкорлар Бобур ғазалларидан намуналар ўқиди. Иштирокчилар Бобур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

— Бобур Мирзо ижоди инсонни қомилликка қорловчи улкан маънавий хазинадир, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. — Айниқса, адабиёт, тарих, тилишунослик, ҳуқуқшунослик, мустика ва географияга онд асарлари бизга тарихимиз ҳақида жуда кўп маълумотлар бериш билан бирга, ўша давр ёзма манбааларини ўрга-

нишимизда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилади. Бобур лирикаси эса ўзбек мумтоз адабиётининг энг гўзал саҳифаларини бйридир.

Тадбир «Боғи Бобур» истироҳат боғидаги «Бобур ва жохон малаи-яни» музейида Бобур ва бобурийлар ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш масалаларига бағишланган илмий анжуман билан давом этди.

Анжуманда Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, бобурушнос олимлар томонидан Бобур ва бобурийлар ҳаёти, ижодий меросини ўрганиш, тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳусусида таниқли олим ва ижодкорларнинг маърузалари тингланди. Шунингдек, Фонд ташаббуси билан чоп этилган «Мубаййин» насрий баёни», «Рисолаи Волид» Унинг назмий таржамаси ва шарҳи», «Шамолларда учган нидо-лар» номли китоблар тақдироти ўтказилди.

Тадбирда Афғонистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Эрон ва Япония давлатларидан келган бобурушнос олимлар ҳам иштирок этди.

— Ўзбекистонда жохон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ алломалар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш борасидаги ишлар давлат сиёсати даражасида олиб борилаётганига ҳавасим келди, — дейди Токио санъат университети профессори Куме Шого. — «Бобурнома» асари япониялик таниқли бобурушнос олим, профессор Эйже Моно томонидан япон тилига таржима қилинган. Ушбу асарни ўқиб чиқиб, Бобур юртига бўлган қизиқишим ортди. Ана шу қизиқиш туфайли бугун Ўзбекистонга, хусусан, Андижонга келдим. Юртингиз менда фақат илик таассуротлар қолдирапти. Айниқса, Осиё илм-фани, Хиндистон тараққиёти ва ривожига салмоқли ҳисса қўшган шоир, олим ва давлат арбоби Захриддин Мухаммад Бобурга Ўзбекистон заминидан кўрсатилаётган ҳурмат халқингизнинг шу юртдан етишиб чиққан буюк тарихий шахсларга юксак эҳтиромининг ёрқин намунасидир.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири



Туризм

Саёҳат киши руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Диёримиздаги мафтункор масканлар бу борада ажойиб танлов. Хусусан, қўҳна ва навиқрон Самарқанд дунёдаги бориб кўриш тавсия этилган элликта шаҳардан бири сифатида эътироф этилади. Бой ўтмиш маданиятимизни мужассам этган ушбу шаҳарни кўриш учун дунёдан кўплаб сайёҳлар келишади. Аммо ўзимиз-чи?

Саёҳат – роҳат

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фуқароларимизга бу йўналишда кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, туризм салоҳиятини ошириш, ички туризмни ривожлантириш бўйича қатор қарорлар қабул қилинди. Шу асосда «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури ишлаб чиқилгани, байрамларда фуқароларимизга қўшимча дам олиш кунлари берилиши айни муддао бўлди. Бу хайрли ташаббусга қасаба уюшмалари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Хусусан, Самарқанд вилояти қасаба уюшма ташкилотлари томонидан Иштихон, Пайарик, Каттакўргон, Нарпай, Пахтачи туманларидан 200 нафардан зиёд кишининг қадимий шаҳарга саёҳати ташкил этилди. Жорий йилда 16 минг нафарга яқин фуқаронинг мамлакатимиздаги тарихий шаҳар ва муборак қадимжоларга зияратини уюштириш мўлжалланмоқда.

Вилоятимиз ҳудудига 1105 та археологик, 670 та мейморий, 37 та диққатга сазовор масканлар, 18 та монументал, 21 та мейморал маданий мерос объектларининг мавжудлиги бу борадаги салоҳиятнинг нақадар улканлигини далолат. Қарийб 200 га яқин туристик компания фаолият олиб бориши ҳам тизим

ривожини таъминлашга хизмат қилади. Ҳукуматимизнинг Самарқанд вилоятининг туристик салоҳиятини ривожлантиришига онд уч йиллик дастури, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда «Samarkand city» туризм зонасини ташкил этиш йўлидаги ҳаракатлар тахсинга лойик. Қўҳна шаҳарга таширф буюрган меҳмонларни маданий ва тарихий қадриятларимиз, хунармандчилигимиз билан яқиндан таништириш чоралари ҳам қўрилмоқда. Мутасадди ташкилотлар томонидан «Самарқанд нонлари», «Самарқанд хунармандлари», «Миллий таомлар», «Шарқ ширинликлари» каби мавзуларда турли фестиваллар ўтказиш дастурлари ишлаб чиқилган.

Шунингдек, экотуризм йўналишини ривожлантиришга пухта ҳозирлик қўриляпти. Хусусан, «Зарафшон» давлат қўрикхонаси ҳудуди ва у ерда сақланаётган Бухоро бугўси(Хонгўли)ни қуатиш учун мўлжалланган ҳудудларни ташкил этиш кўзда тутиляпти.

Шерали ҲОТАМОВ,
Самарқанд шаҳар тиббиёт бирилашмаси қасаба уюшма қўмитаси мутахассиси

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ – ЭРТАНГИ КУНИМИЗГА ЗАМИН

«1

Шундай камчиликлар Наманган, Самарканд, Фаргона ва Жиззах вилоятларида ҳам кузатилган.

Барча ҳудудларда учрайдиган бу каби камчиликларни босқичма-босқич бартараф этиш, мактабгача таълим муассасаларини яхшилаш мақсадида давлатимиз томонидан катта маблаг ва ресурслар йўналтирилмоқда. 2018 йил учун тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари рўйхатида мувофиқ, 771 миллиард сўм бюджет маблағлари ҳисобидан 60 та богча янгидан қурилади, 295 таси реконструкция қилинади ва 176 таси мукамал таъмирланади.

Йиғилишда жорий йилда давлат мактабгача таълим муассасалари қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатини тасдиқлаш, болалар богчаларининг моддий-техник ҳолатини ўрганиб, мебел, ошхона жиҳозлари, ўйин майдончалари ва спорт инвентарларига бўлган талабни аниқлаш ҳамда яқин 2 йилда мамлакатимиздаги барча богчаларни жиҳозлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган богчаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатсиз тайёрлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини охирига етказмаслик, баъзиларини таъмирлашдан қолдириб кетиш ҳолатлари кўп учраётгани танқид остига олинди.

Масалан, ўтган йили Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 14-боғчада қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатсиз бажарилган, муҳандислик тармоқларига тўлиқ уланмаган, жиҳозлар тўлиқ етказиб берилмаган. Қашкадарё вилоятининг Миришкор туманидаги 3-, Нишон туманидаги 20-, Косон туманидаги 32-боғчада таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмаган. Бухоро шаҳридаги 3-, Бухоро туманидаги 19-, Ромитан туманидаги 11-, Қорақўл туманидаги 7-боғчаларда пардозлаш ишлари сифатсиз бажарилган, жиҳозларнинг 50 фоизи етказиб берилмаган. Қўплаб лойиҳаларда назарда тутилмагани сабабли богчалар ҳудудини ободонлаштириш, атрофини ўраш, ташқи коммуникация тармоқларига улаш ишлари бажарилмай қолмоқда.

Бу каби камчиликларни бартараф этиш учун ҳокимликлар, Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қури-

лиш қўмитасига тегишли топшириқлар берилди. Мактабгача таълим муассасаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларида ёрдамчи биноларни ҳам таъмирлаш ва жиҳозлашни назарда тутиш, уларни аҳоли учун қулай ва муҳандислик-коммуникация тармоғи мавжуд ҳудудларга жойлаштириш зарурлиги қайд этилди. Намунавий лойиҳаларни қайта кўриб чиқиб, янги қуриладиган богчалар учун сарфланадиган харажатларни арзонлаштириш вазифаси қўйилди.

Навбатдаги муҳим масала, деди Шавкат Мирзиёев, давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат богчалар тармоғини кенгайтиришдир. Ҳудудларга бириктирилган тижорат банклари ва тадбиркорлар томонидан 2018 йилда жами 222 минг нафар болага мўлжалланган 3 мингдан зиёд нодавлат болалар богчасини ташкил этиш режалаштирилган. Шундан 1 минг 200 таси янги қуриладиган бинода, 1 минг 360 таси мавжуд биноларда ва 470 таси уй богчаси сифатида ташкил этилади.

Жойларда бу борада қатор ишлар бошлангани, лекин Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларида сўст бораётгани қайд этилди. Айрим раҳбарларнинг узокни кўра олмаслиги ва давлат сиёсатини тушунмаслиги оқибатида ишлаб турган давлат богчаларини хусусийлаштириш ва тадбиркорларга бериб юборишга уриниш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса аҳолининг ўринли ва жиҳдий эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шу боис тадбиркорларга ишламай турган богчаларни бериш, бинони таъмирлаб ва жиҳозлаб ишлатиш вазифасини қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусий богча учун яхши жойдан ер, бино ва имтиёзли кредит олиб, қурилган ёки таъмирланган бинодан 1-2 йилдан кейин бошқа мақсадда фойдаланаман, деган «хом-хаёл» билан юрган қўштинроқ ичидagi тадбиркорлар ҳам бор, деди Президентимиз. Шу сабабли ҳокимликлар хусусий богчалар учун ер ва бино ажратиш, банклар эса кредит бериш тўғрисидаги ўз қарорларида бундай бинолардан камиди 15-20 йил давомида богча сифатида фойдаланиш зарурлиги тўғрисидаги шартларни назарда тутиш керак.

Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий богчалар ташкил этиш бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланди.

Молия вазирлигига Нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасини тузиш, Жамғарма маблағларини нодавлат болалар богчалари учун бино ва иншоотларни харид қилиш, янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига имтиёзли ставкада кредит ажратишга йўналтириш топширилди.

Мактабгача таълим вазирлигига давлат-хусусий шериклик асосида богчаларни ташкил этиш моделлари, давлат ва хусусий шерикнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, богчаларни малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича низом лойиҳасини ишлаб чиқишни тезлаштириш вазифаси қўйилди.

Ҳокимликлар ва банкларга 2018 йилда ташкил этиладиган 3 мингдан зиёд хусусий богчанинг ҳар бири бўйича ер, бино ва кредит ажратиш, богчаларни ишга тушириш муддатлари аниқ белгиланган жадалларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш юзасидан кўрсатма берилди.

Ҳал этишимиз зарур бўлган яна бир муҳим муаммо, деди давлатимиз раҳбари, богчаларда болаларни белгиланган меъёрлар асосида тўғри ва сифатли овқатлантиришни ташкил этишдир.

Афсуски, болаларга сут маҳсулотлари ва мева тасдиқланган нормадан кам миқдорда берилмоқда, балиқ маҳсулотлари эса деярли берилмаяпти.

Йиғилишда бу борада берилган топшириқларга мувофиқ, болаларни сифатли овқатлантириш, кўрпа, ёстиқ ва чойшабларини белгиланган муддатларда алмаштириш, дори-дармон ва ювиш воситалари учун ажратиладиган маблағлар миқдори етарли экани аниқ ҳисоб-китоб қилинади.

Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари раҳбарлари богчаларда болаларнинг белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини ташкил этишга шахсан масъул бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги богчаларда таомларни тайёрлаш, озик-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлашда санитария нормалари ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этилишини назорат қилади.

Йиғилишда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг савияси, билими ва кўникмалари масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тизимда фаолият юритаётган қарийб 60 минг тарбиячининг атиги 21 фоизи

олий маълумотли, 79 фоизи эса ўрта махсус маълумотга эга экани қайд этилди.

Болалар тарбияси жараёнига ўз ишини пухта биладиган, малакали ва ҳар бир болага индивидуал ёндаша оладиган педагог-кадрларни жалб қилган ҳолда, уларни гўдақлигидан онги ва тафаккурини тўғри шакллантириб бормасак, келажақда юксак савия, билим ва маънавиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш қийин бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ўрганишлар натижасида келгуси 3 йилда мактабгача таълим тизимида 47 минг 300 дан зиёд олий маълумотли педагог кадрлар, жумладан, 28 минг 300 нафар тарбиячи, дефектолог, психолог, мусиқа раҳбарига эҳтиёж пайдо бўлиши аниқланган. Шу боис, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида «Мактабгача таълим» йўналишида кундузги шаклда 3 йиллик бакалаврлар тайёрлаш тизими жорий этилади. Бунда илгор хорижий тажриба, жумладан, Жанубий Кореянинг етакчи университетлари тажрибаси асосида янги ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилади.


Шунингдек, янги ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида сиртки ва кечки шаклда бакалаврлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Жорий йил март ойидан бошлаб, вилоятлардаги университет ва педагогика институтлари базасида богчаларнинг педагог ва номутахассис кадрлари учун ярим йиллик ўқув дастурлари асосида қайта тайёрлаш курслари ташкил этилади.

Бу ҳақда сўз юритар экан, Президентимиз Жанубий Кореянинг Пучон университети билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Мактабгача таълим университетини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда юқори малакали, олий маълумотли кадрларни рағбатлантириш, мактабгача таълим муассасалари педагог ҳодимларининг ойлик иш ҳақини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Имкониятни ечкандан ва жисмоний ривожланишида нуксонли бўлган болаларга мўлжалланган богчаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишларига ҳам эътибор қаратилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбар ва ҳокимларнинг ахборотлари тингланди.

ЎЗА



Ўзбекистонда биринчи марта

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия марказида мамлакат тиббиёти тарихида биринчи марта беморга тирик донор қариндошдан жигар бўлагини кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилди.

Операция академика Феруз Назиров ва Россиянинг Академик В. И. Шумаков номли Трансплантология ва сунъий аъзолар Миллий тиббий тадқиқот маркази директори, академик Сергей Готье раҳбарлигида ўтди.

Паркентлик 26 ёшли бемор Убайдулла Дадахўжаевга унинг акиси 30 ёшли Хаёт Дадахўжаев донорлигида жигар бўлаги трансплантацияси бажарилди. Бундай юқори технология операциялар илгари Америка, Россия, Германия, Норвегия, Швейцария ва Ҳиндистон каби тиббиёти ривожланган давлатлардагина бажарилар эди.

Ўқувчига 50 миллион сўм

Мухбиримизнинг Навоий вилоят ҳокимияти матбуот хизматида таяниб хабар беришича, вилоятда «Навоий ворислари» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтган.

6-9-синф ўқувчилари иштирок этган танловда қатнашчилар энг кўп ғазал ёд олиш, уни ифодали ўқиш, матннинг насрий баёнини яратадиган каби шартлар бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказишди. 14 нафар иштироқи орасидан 3 нафар ғолиб аниқланди. 1-ўрин бухоролик Ситора Исоқовага насиб этган бўлса, 2-ўринга Навоий вилояти вакили Маржона Нодиркулова, 3-ўринга фарғоналик Хошиятхон Сирожиддинова муносиб кўрилган.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди. Жумладан, навоийлик ўқувчи Маржона Нодиркуловага вилоят ҳокими К. Ғурсунов томонидан Президент совғаси сифатида 50 миллион сўмлик пул мукофоти тақдим этилди.

Каттақўрғонда портлаш: қурбонлар бор

Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси томонидан Каттақўрғон шаҳридаги пахта тозалаш заводида юз берган газ портлаши ҳақида расмий маълумот берилди.

Самарканд вилоятидаги мухбиримизнинг хабар беришича, 12 феврал куни соат 16.00ларда Каттақўрғон шаҳрида Зомин кўчасида жойлашган «Каттақўрғон пахта тозалаш» АЖнинг пахта хомашёсини қуриштириш мўлжалланган иссиқлик ишлаб чиқариш цехига ўрнатилган печнинг қувурларидан табиий газ сизиб чиқиб, хонага тўпланиб қолган. Натижада, газ ва ҳаво аралашмасидан қақнаш содир бўлган ва бинонинг деворни, том қисмидаги темир панжараси ҳамда бетон плиталари қулаб тушган.

Фалокат оқибатида бино ичиди бўлган «Каттақўрғон пахта тозалаш» АЖ ишчилари А.Хўжаев ҳамда А.Арзикулов вафот этган.

«Avtotest»нинг монополь ҳуқуқи бекор қилинади

Адлия вазирлиги томонидан автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича «Avtotest»нинг монополь ҳуқуқларини бекор қилиш бўйича ҳуқуқ қарори лойиҳаси тайёрланмоқда. Бу ҳақда вазирлиқнинг Telegram'даги «Ҳуқуқий ахборот» каналда маълум қилинди.

Лойиҳада ҳайдовчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб берадиган барча ҳўжалик юритувчи субъектларга бериш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига ўрнатилган малака оширишга оид талабни қисман бекор қилиш масаласи кўрилмоқда. Даврий равишда ҳайдовчилик малакасини ошириш талабини фақат тижорат сифатида йўловчи ва юк ташини билан шугулланувчи шахсларга нисбатан қолдириш таклиф қилинмоқда.

А.АРСЛОНОВ,
тайёрлади

Эълон

Марказий Осиё Кураш федерацияси раҳбар органининг 2018 йил 12 февралдаги қарорига асосан Марказий Осиё кураш федерацияси тугатилди.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ҳодимлари қасаба-уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Ўргут туман кенгаши бухгалтери Тошпўлат Ҳақбердиевга ўғли Элёр РАСУЛОВнинг бевакт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Нигоҳ

Орол денгизи ўзининг тарихий қирғоғидан 200 километрдан кўпроқ олислаб кетган. Сув сатҳи 29 метрдан ортиқ пасайган денгиз ўрнида 5,5 млн. гектарлик «Оролқум» саҳроси пайдо бўлди. Ушбу ердан ҳар йили ҳавога кўтарилаётган 75 млн. тонна тузли қум минглаб километр олисда жойлашган мамлакатлар ҳудудига ёғилмоқда.

МЎЙНОҚ КЎРКАМ ВА ОБОД ГЎШАГА АЙЛанади

2017 йилнинг 10 июнида БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш Ўзбекистонда бўлиб, Мўйноқ тумани жамоатчилиги вакиллари билан ҳам учрашган эди. «Мен Ўзбекистонда бўлганимдан ва Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашиб қатор масалалар юзасидан суҳбатлашганимдан мамнун бўлдим. Орол муаммоси билан ҳам яқиндан танишдим. Ахвол анча жиддий. Бу офатни бартараф этиш учун Жаҳон ҳамжамияти иштирок этиши керак деган ҳулосага келдим», деганди Бош қотиб.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хусусан, саноатни тараккий эттириш, Орол денгизи атрофида юзага келган экологик муаммоларни бартараф этиш борасида муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Бугун минтака иқтисодиётини ривожлантириш йўлида янгидан-янги замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилаётди.

Ҳукуматимиз томонидан мўйноқликларнинг яшаш шароитини яхшилашга, янги корхоналар ташкил этиб, аҳоли бандлигини таъминлаш баробарида уларнинг турмуш фаровонлигини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Президентимизнинг Мўйноқ аҳолиси турмуш тарзини кўтариш борасидаги талабларини бажариш мақсадида тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг икки йилга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди, — деди туман ҳокими Сайлаубой Данияров. — Дастурга мувофиқ 52,3 млрд. сўмлик ва 990 минг долларлик 72 та лойиҳа амалга оширилади ва 1500 та янги иш ўрни ташкил этилади.

Туманда олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари ўз самарасини бермоқда. Хусусан, марказий кўчаларда навабта-наваб битум қопламаларининг ётқизилиши, аҳолига намунави транспорт хизматини кўрсатишининг йўлга қўйилиши, янгидан ташкил этилаётган корхоналардан ишнинг бир маромда олиб борилиши ва бандликка қўмақлаштиришда тадбиркорларнинг фаоллиги кўзга ташланмоқда.

Туман марказида, чекка кишлоқ ва овулларда кенг қўлоч ёйган бунёдкорлик ишларидан мўйноқликлар хурсанд. Ўтган бир йил ичиди АТБ «Халқ банк»нинг туман филиали янги иморати, Мўйноқ «Дехкон бозори» биноси, ўн олти хонали икки қаватли уй-жой, «Никоҳ уйи», «Ўлжашунослик» музейи, 1-мактабгача таълим муассасаси, Учсой ОФЙда 2-мактабгача таълим муассасасининг филиаллари янгидан бунёд этилган бўлса, Мўйноқ автовокзали ва 2-умумтаълим мактабларида йирик таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, икки нафар маҳалла профилактика нозирига турар жой қуриб берилди.

ТАКСИЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Тадбиркор Бахтжан Турганбоев «Асакабанк» томонидан ажратилган 200 млн. сўм кредит маблағи ҳисобидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 5 та «Дамас» ва 3 та «Матиз» русуولي автоуловларини сотиб олди. Туман маркази аҳолисига қулайлик-

лар яратиш мақсадида Ажанияз ва Бердак кўчалари йўналиши бўйлаб таксилар қатнови йўлга қўйилди.

— Масъулияти чекланган жамиятимизда 13 нафар мўйноқлик овулдошим иш билан таъминланди, — дейди корхона иш бошқарувчиси Бийбиган Жуманазарова. — Кредит эвазига яна 6 донга «Дамас» автомашинасини харид қилмоқчимиз.

Жамоа аъзоларининг яратиб берилган шароитлардан қўнгли тўлмоқда.

СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ

Статистик маълумотларга эътибор берсак, 2002 йилдан 2010 йил оралиғида туман аҳолиси сонин 29 минг 100 нафардан 28 минг 300 нафарга қайтаришнинг кўриш мумкин. Агар 2017 ва 2018 йилларни таққослайдиган бўлсак, ҳудуд аҳолиси 30 минг 500 нафардан 31 минг нафарга кўпайганлигига гувоҳ бўламиз.



Аҳолининг ижтимоий ҳаётини юксалтириш ва қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш йўлида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётди. Айниқса, кўп йиллардан буён ораш қилиб келинаётган тоза ичимлик сувининг келтирилиши мўйноқликлар ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

— Юртбошимизнинг ташаббуси билан 101 километрлик сув қувурлари ётқизилиб, қисқа муддат ичиди тоза ичимлик суви олиб келинди, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлимининг расиси Жаннабай оға Жусупов. — Ушбу хайрли ва савобли ишлар бошида турган Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан қуч олиб, ҳаётдан мамнун ва баҳраманд бўлиб яшаймиз.

МЎЙНОҚ БАЛИКЛАРИ

Бир замонлар Орол балиқларининг қўплаб давлатларда маълум ва машҳур бўлганини яхши биламиз. Бугун ушбу соҳани қайта тиклаш ва ривожлантириш учун туманда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, янгидан ташкил этилган «Миуноқ аква сапоат» давлат унитар корхонасида соҳа таракқиётини таъминлаш учун барча имконият ва қулайликлар яратилган. Тумандаги 17 минг

280 гектар майдонни эгаллаб турган «Жалтирбас», 19 минг гектарлик «Судочье» ва 3 минг гектар ердаги «Рибачье» табиий сув хавзалари корхонага доимий фойдаланиш учун берилди.

Корхона қошида қичик саноат базаси, консерва цехи, исллов (копильный) цехи, инкубация (урчигиш) цехи, балиқ сақлаш учун музлаткичи омборхона, гараж ва бошқа иншоотлар ишлаб турибди.

— Корхонамиз зарур бўлган барча техникалар билан таъминланди, — дейди иш бошқарувчи Махсат Токсонбаев. — Катта миқдордаги балиқ маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб беришга имкониятларимиз етарли.

Корхонада бугун 83 нафар мўйноқлик доимий иш билан банд. Уларнинг ёрдамида ўтган йили қўллардан 121 тоннадан кўпроқ балиқ овланди. Йиллик даромад эса 885 млн. сўмни ташкил этди. Ишчиларга ўртача 750-800 минг сўмдан ойлик иш ҳақи берилмоқда.

Маъмурият корхона қошида балиқ овлайдиган тўр сётқалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан бирга, балиқчилик хўжаликлари учун махсус озуқа-ем тайёрлашни ҳам режалаштирмоқда.

ЯХШИ НИЯТ

Қўпчилик Сургул қони деганда Ўстюрт газ-кимё комплексини тушунишни тайин. Чуқурроқ ўрганилса, мажмуа билан қон оралиғида 100 километрдан кўпроқ масофа борлигини билиб олиш қийин эмас. Катта корхоналар мажмуасини денгиз ултонидан чиқиб турган газ қони устига қуриш ҳам мумкин эди. Лекин олимларимизнинг келажақда Орол сувга тўлиши мумкин, деган фикр ва таҳминларига сабаб газ-кимё мажмуаси Ўстюрт текислигиде бунёд этилган.

Яхши ният билан қурилган иморатдан бир кун келиб фойдаланишни умид қилиб яшаётган мўйноқлик тадбиркорлар эса бандлиги ўн саккиз метрлик маёқ қуришди. Иморатнинг пастки қисмида жойлаштирилган ошхона туман аҳолисининг мазмунли дам олиб, хордиқ чиқаришлари учун хизмат қилишига ишонамиз.

БУ ЕРДА ИСТИҚБОЛЛИ СОҲАЛАР БИСЁР

Бугун ҳудудда экотуризмни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги қўп бора таъкидланаётди. Истиқболли соҳани тараккий эттиришга бел боғланганлар сафи ҳам кўпаймоқда. Туман марказида хусусий меҳмонхоналар барпо этиб, шахсий бизнес режаларини амалга ошираётган ёшлар сафи кенгаймоқда.

Мўйноқда қорвачилик, жумладан, йилкичилик, эчкичилик ва туячилик соҳаларини ривожлантиришга имкониятлар бор.

Шу билан бирга, қизилмакка илдизини еттиштириш ва қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш орқали чет эл бозорларига чиқиш мумкин.

Туманда артемия (денгиз жонзоти, хашароти) цистаси (икраси)ни қайта ишлаш ва ундан қорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари учун озуқа ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳаллий ҳом ашёлардан фойдаланган ҳолда гишт заводларини қуриш ишлари режалаштирилмоқда.

— Яқин йилларда бу ерлар обод ва гўзал маконга айланишига асло шубҳа йўқ, — дейди бизга ҳамроҳлик қилган туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмет Ажаниязов. — Эъзуқликларни дилига жо айлаб яшаётган, оқ кўнгли, меҳнаткаш ватандошларимизнинг бунёдкорлик ишларини кўриб бир-олам таассурот олдиқ.

Захида ҚАЛЖАНОВА,


«Арал бақиқшысы» туман газетасининг муҳаррири.

Ортиқбой МАМУТОВ

«Ishonch» муҳбири

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллигига

Улуғ пирга ихлос



Бобур хонадонини нақшбандия пирларига хамиша ихлос-эътиқод кўрсатиб келган. Хожа Ахрор Бобурга ном қўйган бўлса, унинг халфаси Мавлоно Муҳаммад Қози бу хонадоннинг пири эди. Бу нажиб инсоннинг Бобурга таъсири катта бўлган, унга ўзининг қимматли маслаҳатларини бериб турган. Бобур биринчи марта Самарқандни олганида Ахмад Танбал ва Узун Ҳасанлар Андижонда фитна кўтариб, унинг устози ва тарафдори бўлган «Хожаи Мавлонои Қозини арк дарвозасида осиб шайх қилдилар». Кейинчалик Бобур Мавлоно Қозининг жияни ва халфаси, «нақшбандия тарикатининг баландпарвоз шаҳбози» Махдуми Аъзамни ўзига пир тутиб, унга муридлик ихлос қилгани маълум. Бобур олис Ҳиндистонда туриб ҳам у билан ёзишмалар олиб борган. Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишча: «Подшоҳнинг нақшбандия олий хонадонига иродат нисбати бор эди. Юсак шон-шавкатли бобоси ва салтанат нишонли отасининг Ҳазрат Хожа Ахрорга иродати бўлган Бобур подшоҳ ҳам бу улуглар хонадонига нисбатан иззат-и қромни соатма-соат оширар ва бирор дақиқа бу ишни қанда қилиб, гафлатда қолмас эди. Барча дарвешларга лутф эшигини очиб, ниҳзамандлик юмушини бажо келтирарди. Ҳазрат Махдумий мулло Хожайи Қосонийга бир бўлак олдин қўймасини ниҳз тарикасида юбориб, ённи ўзининг ушбу қиъасини ҳам шайх қилганди:

Дар ҳавои нафси гумроҳ умр
зоғ кардаем,
Пешин ахлуллоҳ аз авторин
худ шармандаем.
Як назар афкан ба сўи мо,
ки аз роҳи вафо

Ягона осмон остида

Туркманларнинг ҳамдард дўсти

Инсоний қомиллик ҳамда осуда ҳаёт учун қайғурган ва курашган зотлар қаторида адолатли ҳукмдор, беназир шоир, донишманд олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур алоҳида ўрин эгаллайди. Ул зот ҳақида ўйлаганимда атоқли туркман олими, академик Ағажан Бобоевнинг фикрлари хотирамда жонланади.

— Бобур деганда «қомиллик ва осудалик» формуласи ҳалға келади, — деган эди Туркменистон Фанлар академияси «Чўл институт» директори А.Бобоев, — Туғилганидан умрининг охиригача жанг-у жадаллар ичра, ўлимга юзма-юз бўлиб яшаган бу сиймо инсониятнинг маънавий қамолоти ҳақида ўйлашдан бирон дақиқа ҳам чекинамаган...

Дарҳақиқат, Бобурнинг ўзига хос бетакрор ҳаёти ва фаолияти инсониятга маънавий етуклик, осуда, тинч ҳаёт соғинчи ва интиқилишни бағишлаб қалаётган ноғиб ижтимоий-маънавий ҳодисадир.

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз,
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз,
Чун гардиши чарх бу дурр, Тенгри учун,
Бир-бирни неча кунни ганимат тутунгиз.

Бу даъват шоир ижоди, ахлокий-маънавий қарашларининг ўзати, етакчи тамойили ҳисобланади. Жанг-у жадаллар ичра ҳам у дўстларнинг ҳамжиҳатлиги, маънавий қомиллиги ҳақида қайғургани, одам одамга ганимат эканлигини уқтириш ташвиши билан қалам тебратгани ҳайратланарлидир.

Бу олам аро ажаб оламлар кўрдим,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдим,
Хар ким бу «Воқоъ»ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнат-у, не гамлар кўрдим.

Бу мисраларда унинг мураккаб ва айни вақтда эзгуликка йўғрилган ҳаёт йўллари, изтироб-у қурашлари «не ранж-у не меҳнат-у не гамлар» ичра кечгани қаламга олинган. Бобур учун яхшилик, адолат, диёнатни қасб этмаган киши «Бедард ҳабиб» (дарсиз, маънавияти саёз дўст) ҳисобланади. «Бедард ҳабиб» ким? Унинг киёфаси, феъли, мақсад-умидини тасаввур этиб бўладими? Бедард ҳабиб — бу ўзга билан иши йўқ, дўст-у яқин деб билган кишиларига бепарво, улар дардига малҳам бўлиш ҳаёлига келмайдиган ноқасдир. Бу образ Бобурнинг ахлокий-фалсафий дунёсида мана бундай жонланган:

Хожагиро мондаем,
хожагиро бандаем.
Мазмун: «Гумроҳ нафс қўйида умримизни зое қилдик. Бунинг учун Оллоҳнинг ҳос бандалари олдида уятлимиз. Биз томонга бир назар сол: вафо йўлида хожаликни ташлаб, Хожаликка бандамиз».

Маълумки, Махдуми Аъзам тарикати хожайи — хожалик деб ҳам аталган. Бобур шундан фойдаланиб, сўз ўйини қилган: Оллоҳ олдида ҳамманинг қўлигини англаб, бировлар тўғилган хўжайинлик — хожалик қилишни ташлаганимиз, лекин хожалик тарикатига қўлиқни бўйнимизга олганмиз.

Аён бўладики, Бобурнинг ўзи ҳам нақшбандия тарикатида бўлган.

Махдуми Аъзам Бобурнинг мактубига жавоб тарикасида ҳамда Хожа Ахрорнинг «Рисолаи волидия»си таржимасига бағишлаб «Рисолаи Бобурий»ни ёзган.

Бобур хусайния-ишқия тарикати пири сифатида таъинланган Шайх Ҳусайн Хоразмийнинг ҳаж ниятида Макка ва Мадинага сафар қилиш хабарини эшитган, унга шохона тухфалар билан мактуб йўллаб, Ҳиндистон орқали ўтишни сўрайди. Лекин унинг бу орзуси амалга ошмаган кўринади.

Бобур Хожа Ахрорни бир умр ўзига пир санаб, муридлик муҳаббати ва садақатини сақлаб келган. Хусусан, мушкул вазиятларга тушиб қолган дамларда у буюк пирнинг муборақ руҳидан мадад сўраган ва ўз навбатида, бу валий инсон ҳам ўз дуоқўйини хамиша қўлаган. «Бобурнома»нинг гувоҳлик беришича, Хожа Ахрор руҳи Бобурни уч оғир вазиятда қўлайди:

Бобур Самарқандни иккинчи марта олиш учун қўшан тортиб келганида шаҳарнинг Султон Али Мирзо томонидан Шайбонийхонга топширилганлигини эшитади. Лекин Самарқандни қўлга киритишдан умидини узолмай шаҳар атрофидан айланиб юради. «Ушал фурсатга ажаб туш кўрдим, — деб эслайдиган Бобур. — Туш кўрарманким, ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ келмишлар, мен истикболларига чиқмишмен. Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олига, голибо, бетакаллуфрок дастор-

хон солмишлар. Бу жихаттин Ҳазрат хотирига нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб, ишорат қиладур. Мен ҳам имо бида дедимким, медин эмастур. Дасторхон солгучи таксир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуй тушти. Кўптилар. Узата чиктим. Ушбу уйининг долонида ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутуб, андоқ кўтардиларким, бир оғим ердин кўпти. Туркий дедиларким: «Шайх маслаҳат берди». Ушбу неча кунда-ўқ Самарқандни олдим». Бу — буюк пирнинг биринчи мадади эди. Ушанда Бобур «яшми-ямон ихти юз қирқ киши»си билан темирйўллар пойтахтини қўлга киритади.

Кейинги гал Хожа Ахрор руҳи Бобурни муқаррар ўлимдан сақлаб қолади. Бу қўйидагича содир бўлади: Ахмад Танбал исёни туфайли Андижон иккинчи бор бой берилган, Бобур саккиз навакир билан қўршовдан қочиб чиқади. Уни таъқиб қилишади. Каттик тўқнашув бўлиб, Мирзақул Қўқалдошдан бўлак барча ҳамроҳларидан ажралади. Йўлда Мирзақулнинг ҳам оти юролмай, Бобур ёлғиз қолади. Банда Али билан Бобо Сайромий деган кишилар унинг изидан тушади. «Ушакларингиз қўлга тушди. Сиз ҳам ортга қайтинг», дейишади. Лекин Бобур қўнмайди. Улардан тоғалари бўлиш хонлар қолдириб олиб боришларини сўраб, катта лавозим ва ҳадиёлар ваъда қиладилар. Келингандай бўладилар. Барибир Бобур уларга ишонмайди. Карнон деган жойда Бобурдан хабар топиб, унинг Юсуф олтин доругаси ҳам келади. Учовлари «Сизни тахтта ўтказдилар» деган баҳона билан уни Андижонга олиб кетмоқчи бўладилар. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади:

«Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмаст эмиш. Мен дедимким: «Ростлигини айт! Агар иш ўзгачарак бўлгудектур, худ вузуъ қилай». Юсуф онлар ичти вале анинг онтига ким инонадур. Ўзумда бетокатлиге фаҳм қилдим. Кўптум, боғ гўшасига бордим. Ўзум билан андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, минг яшаса, охир ўлмак керак... Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ушал богда сув оқиб келадур эди, вузуъ қилдим, икки рақъат намоз ўқудим, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилладур эдимким, кўзум уйкуға борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб —

Бедард ҳабиб билмади дардимни,
Туфрокча кўрмади руҳи зардимни.

Бобур мардликнинг чинакам намунаси эди. У инсон зотини азиз ва муқаррам билар, ҳатто ёмон одамни ҳам тузатиш, яхшилар сафига қўшиш умиди билан яшарди.

Душман сўзига қирма, эшит дўст сўзин,
Эшитмаса сўзини дўст, душман не дегай?
Ушбу мисралар инсонга ким дўст, ким душман эканлигини англаб етиш имконини беради. Шу ўринда Бобурнинг «Эшитмаса сўзини дўст, душман не дегай?» риторик сўроғи алоҳида эътиборни тортгани табиий. Қолаверса, шенда Бобурнинг теран танқидий қараш ҳам аке элади. Дўст сўзини, даргингизни тингламаса, бу — беихтиёр душман учун душманлик, таъна қилиш имкониятини кенгайтиради, демасдир.

— Туркманистонда Навоий ва Бобур ижоди юксак катронади, — дейди туркменистонлик Ғайрат Жумаев. — Адабиёт ва тарих фани қўлланмаларида Бобур ҳаёти ва ижодига кенг ўрин ажратилган. Маънавиятнинг раҳнамоси бўлган зотнинг тинчликпарварлик, халқлар дўстлиги, ўзаро ҳамжиҳатлик йўлида олиб борган кураши акс эттирилган.

Бобур қомил шахс, улкан шоир ва адиб, маърифатли олим ва адолатли ҳукмдор си-

Хожа Яхёнинг ўғли, ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг набиралари рўбарўйимга аблақ от миниб, кўп жамоати аблақсувор билан келдилар. Дедиларким: «Ғам емангиз, Хожа Ахрор мени сизга юбордилар. Дедиларким, биз аларга истонат тегуруб, подшоҳлик маснадиға ўлтургузуббиз. Хар ерда мушкул иш тушса, бизни назарига келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг».

Шу орала отлар дупури эшитиладилар ва Бобурнинг тарафдорларидан Қўлуғ Муҳаммад Барлос ва Бобо Парғарий келиб, уни халос қиладилар. Қизиги шундаки, Қўлуғ Муҳаммад Барлос ҳам туш кўрган ва тушида Хожа Убайдуллоҳ Бобурнинг қаерда эканлигини айтиб, уни олиб келишни буюрган экан.

Учинчи марта Ҳиндистонда оғир касал бўлганида Хожа Убайдуллоҳдан мадад сўраб, унинг «Волидия» асарини таржима қилиш орқали сўхат топади: «Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнгулмга кечурдимким, агар бу манзум ул Ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким, сохиби «Қасиди Бурданинг қасидаси мақбул тушиб, ўзи афлак маразидин халос бўлди, мен доғи бу оризадин қутулиб, назимнинг қабулиға далиле бўлгусидур. Ушбу ният бида рамали мусалласи мақбуни арузу ва зарбоҳи мақбуни мақфүз вазишким, мавлоно Абдурахмон Жомийнинг «Субҳаси» ҳам бу вазнадаур, рисола назмиға шуруъ қилдим». Бобурнинг эътироф этишича, ҳар гал бундай дардга муштоғ бўлганида касаллик ўттиз-қирқ кунга қўзилган. Бу гал Оллоҳ инояти-но Ҳазратнинг ҳиммати туфайли у бир ҳафтага қолмай оёққа турди.

«Волидия» рисоласининг таржимаси сабабларига тўхталар экан, Бобур Хожа Ахрорни «Худо сиридан огоҳ», «хожалар хожаси», «Шиблий ва Жунайд каби буюк шайхлар ҳам унга фақат ҳодимликкагина ярайди», «халат-у мартабаси зоҳирдур, васф-у таърифиди тил қосирдур» деб мадҳ этади.

Халқимизда «Ихлос — халос» деган аjoyиб ҳикмат бор. Ота-боболаримиз қадимдан бошларига бирор мушкулот тушганида азиз-авлиёларга ситиниб, улар руҳидан мадад сўраб келганлар. Зеро, бундай қомил инсонлар Ҳақ билан халқ ўртасида восита бўлганлар ва одамлар ўз илтижоларини улар орқали Оллоҳ таолога етиб боради, деб ишонганлар. Ешлтидан азиз-авлиёларга эътиқод, эҳтиром руҳида тарбия топган Бобур ҳам ана шундай ихлос соҳиб эди.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди



фатида меҳр-окибат туйғусини хамиша улуглаб, уни шох мисралари, ҳароратли сатрларидан қўйлади.

Гар меҳр била бу чарх эврүлса эди,
Жонлардин анинг нафти керак тўлса эди,
Бобур киби жонга меҳр бозлар эрдим,
Гар ушбу жаҳонда меҳри жон бўлса эди.

Бу чархи қажрафторнинг меҳр кучи билан айланиши, ҳаракат қилишини орзу қилган Бобурнинг улкан маънавий жасоратини тасаввур қилиш қалбни жунбушта солади. Бу гўзал талқин кейинги мисраларда изчил ривожлантирилган. Шоир одамнинг жон ичра меҳрининг ўз ўрни бўлишини истади. Жон меҳрдан, меҳри эса жондан иборат инсон — қомиллик пиллапоёсига қўтарилган сиймо тасаввурини шакллантиради. Пировардида меҳр-муҳаббат, меҳр-окибат инсоний фазилатлар фалсафаси эканлиги ҳақидаги ёруғ тасаввур ва гулсифий фикр бутун борлигимизни эгаллайди. Дарҳақиқат, эзгу гоғлар қуйчаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти ва ижодининг мислсиз қуч-қудрати ҳам ана шунда, десак янглишмаймиз.

Абдуғаффор ХОН,
Ўзбекистон — Туркменистон Дўстлик
жамиятининг фаоли, адабиётшунос ва таржимон

Маънавият сабоқлари



«Яхшилиғ»дан топган ЯХШИЛИГИМ

Ҳаёт чархпалакка ўхшайди, тинмай айланаверади. Қора тун кетидан ярқираб тонг отади. Туман қанчалик қуюқлашса, эртанги кун шунчалик очиқ келади. Қаҳра-тон қанча забтига олмасин, бағрида бахорни асрайди. Дунё асли шундай яралган: қайғули, оғир дамлардан одамзодни умид, ишонч, яхши тилак омон олиб чиққан. Қуриб, қовжираб қолган она заминни қўқлам нафаси яшартиргандай, инсоннинг сўлғин руҳиятига она сўз қувват бағишлайди. Бунга ўзим кўп гувоҳ бўлганман.

Ўн икки йилларча олдин турмуш ўртоғим оғир жаррохлик операциясини бошдан ўтказди. Салкам икки ой шифохонада юрак ҳовучлаб турдик. Вақтнинг ўтиши кийин. Гўё дақиқалар соатга, соатлар йилга айланади. Яна қон ва дори хиди анқиган палата, шифокорларнинг ҳадикли нигоҳлари ва оғриқдан, иситмадан қовжираб бораётган беморнинг ҳаётга тўймаган сўник кўзлари... Бундай дамба гўё шифохона жанг майдонига айланади: бир томонда ажал, иккинчи ёнда шифокорлар саъй-ҳаракати, яқинларнинг Аллоҳга илтижоси, дуолари. Ўртада эса бемор. Бу «жанг» жуда каттик ва машаққатли бўлди. Уни фақат шифокорлар ва улар билан ёнма-ён туриб ҳаёт учун курашганларгина ҳис қила олади. Ҳатто беморнинг ўзи ҳам бу ҳолатни тўла идрок этолмайди.

Шифохонада тонг отиши кийин, дейишгани рост. Кундузи у-бу яқинлар ташрифи, муомалалар таъсирида дард бироз чекинади. Тунда эса оғриқлар кўринмас шарпалар мисол беморни таъқиб қиладилар. На уқол, на дори ва на яхши сўз бундай лаҳзаларда таъсир этади.

Ана шундай уйқусиз ва таҳдиқали туяларнинг бирида таниш шифокорнинг телефон рақамини излаб, ён дафтарчамни очдим. Унда ўзим яхши кўриб, бир пайтлар кўнраб қўйган Бобур Мирзонинг «Яхшилиғ» газалига кўзим тушди. Бейхитёр овоз чиқариб ўқий бошладим:

Ким қўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.
Оғриқка чидамай ёстиқда бош тебратиб, инграб ётган «беморим» гўё сеҳрлангандек мени жим тингларди:
Бори элга яхшилиғ қилгилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.
Ҳазалнинг шу байтига келганимда негадир кўзларимга ёш қалқиди, тўкилиб кетмаслиги учун уни бўғзимга қамадим. То-моғим гиппа бўғилди. Овозим чикмай қолди. «Беморим» кўзини очди, нега тўхтадинг, дегандек менга норози нигоҳ ташлади. Дарров ўзимни қўлга олиб, ўқишда давом этдим:

Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким қўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.
Ҳазал тутади, у яна оғриқдан безовталана бошлади. Бемор бемор эмас, унга қараган бемор. «Беморим»нинг жисми оғрийди, менинг эса қалбим, юрагим парча-парча бўлиб бораверди. Кеча қўзилгандан қўзилиб кетди, тонг отмайди, ҳўрозлар қичқирмайди. Дунё абадий зулмат қаърига чўккандай туюлади.


Шунда негадир синаш учун халғи газалини яна ўқийман. «Беморим» аввал шифта тикилганча жим туриб қолади, кейин кўзини юмади, бир маромада нафас олаётганидан сезаманки, ухлаб қолди. Мен ҳам ўқишдан тўхтайман. У кўзини очди. Бир сўз демай яна газалини ўқийман. Республика нейрохирургия шифохонасида кечган шу қоронғу кечада тонгтача «Яхшилиғ»ни неча марта ўқиганимни ўзим ҳам билмайман. Мухими, неча кунлардан бери мижжа қокмай, оғриқнинг забтидан инграб чиқадиган беморим ухлади. Тонгтача бўлса-да жисми жони ором олди. Эртасига яқинларимга айтиб Бобур девонини ва «Бобур» видеофилмида Маъмуржон Тўхтасинов ва Ўлмас Расулов ижро этган қўшиқларни олдиридим. Соғайиб кетгунча қўшиқ ва газаллар билан у кишини овутиб юрдим. Ўша кунларни эсларканман, «Барибир «Яхшилиғ» яхши-да», дейман ўзимга-ўзим.

Бобур ижодининг инсон руҳиятига таъсиридан қанчалар таъсирланган эдим. Аслида Бобурнинг бошига туршган минг турфа балолардан унинг яхшиликка тўла қалби, меҳрига лиммо-лим юрға, эзгуликка эш бўлган умидлари, энг муҳими, она сўзи ва она Ватан соғинчи асраб қолган.

Бобурдаги қучли маънавият ва руҳий қувват унинг қалбидан илоҳий нур бўлиб ижодиға қўчган. Шунинг учун унинг бой маънавий меросини ўқиганимиз сайин яхшилик, меҳр-муҳаббат томон яқинлашамиз. Зеро, дунё яхшилик учун яралган.

Амина ҚОДИРОВА
«Ishonch»

МУАССИС:



2007-йил 11 январда
Ўзбекистон ва ахборот
агентлигига 116-рақам
билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир:
Ҳусан ЭРМАТОВ

Таҳрир хайъати:

Абдулазиз Абдуллаев, Тўлқин Тешабоев, Эсон Ражабов,
Улуғбек Жалмонов, Фарҳод Ханалиев, Равшан Бедилов, Асрор
Ишанқоджаев, Муҳаббат Ўрмонбекова, Оксана Беллусова,
Тимур Мамажонов (бош муҳаррир ўринбосари), Акмал Тошев

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Хўкук ва халқро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бўхоро кўчаси, 24-й.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда.

Газета «Ishonch»нинг компьютер маказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида

чоп этилди. Қорхона манзили: Буюк Тўрқон кўчаси, 41-й.

Таҳрират ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,

Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Хўдудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон

Республикаси — (+998-91) 268-92-32

Андижон — (+998-91) 475-23-60

Бўхоро — (+998-93) 653-50-81

Жиззах — (+998-91) 943-67-44

Наманган — (+998-90) 260-50-77

Навоий — (+998-93) 314-13-03

Самарқанд — (+998-97) 915-50-87

Сирдарё — (+998-90) 610-95-55

Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07

Фарғона — (+998-91) 141-27-70

Хоразм — (+998-90) 719-48-00

Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

Навбатчи муҳаррир:

У. Ибодидин

Навбатчи:

Ж. Эргашев

Мусахҳас:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Х. Абдуқалилов

Босишга топшириш вақти: — 23:30

Топшириш вақти: — 01:30

1 2 3 4 6

Газета офсет усулида,

A-2 форматда босилди.

Ҳақми 2 босма таъбоқ.

Бўғимга Т — 209.

35402 нускада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133

«Ishonch»дан олинган маълумотларда нобай сифатида газетанинг кўрсатилиши шарт.